9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 01.40 - "Телехамкор", "Метеохабар".
10.00 "Хайрли тонг, юртим!".
10.35 "Юзга бир". Телевизион.
10.20 Болалар учун фильм.
11.30 Мусикийдам олиш дастuri.
12.20 "Эх, ўйлар...".
12.35 "Олтин қалин".
13.00 "Вести".
13.20 "Федерация".
14.10 Қундузги сеанс. Георгий Вицин, Эдита Пьеха ва Владимир Етуш "Тузалмас ёлғончи" комедия.

- 20.50 Премьера. Агата Кристи. "Соқов гувоҳ" (Буюк Британия).
24.00 Бедорлик. "Куперстоун". Драма (АҚШ).
24.00 "Табриклийиз, кутлаймиз" (давоми).
24.00 "Хайрли

YAKSHANBA

26

ҮЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.00 Тошкент вилояти хонандарининг концерти.
9.35 "Ўзбекелефильм" намойиши: "Тошлар тилга кирганда".
9.45 "Гаройбот".

"Умид" намойиш этади:

10.00 "Ватанимга хизмат қиласман".
11.00 "Шоҳруҳ" клуби.
11.30 "Бўйтот". Тележурнал.
12.00 Кундузги сеанс: "Зита ва Гита". Бадий фильм. 1-кисм.
13.10 "Кизлар давраси".
14.30 "Зита ва Гита". Бадий фильм. 2-кисм.
15.40 "Қўйғу".
16.10 "Муштарак оҳанглар". Мусикий дастур.
16.40 "Мозайдан бир мўъжиза".
16.55 "Калб сайдераси".
17.15 Xалқaro театр куни олдидан. "Санҳа хаёт".
17.40 "Олтин тоҳ". Телевизион ўйни.
18.05 "Қишилк ҳақида ўлар".
18.25 "Кўйла, ёшлигим". Мусикий дастур.
18.55 "Узли". Бадий-публицистик кўрсатув.
19.30 "Тахлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оламга саёҳат". Кино-курсатув.
20.30 "Тахлилнома".
21.15 "Якшанба оқшомида". Мусикий дам олиш дастур.
21.50 "Интерспорт".
22.05 "Хамма кўриши шарт эмас".
22.50 "ТВ 1 намойиш этади: Теленонс".
23.05 "Амстердам. Рембранд музейи".
23.25 Кино янгиликлари.
23.40 "Жаҳон киноси юлдузлари".
24.00 "Шов-шув". Бадий фильм. 6-кисм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

ҮЗТВ II

8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод": "Том ва Жерри". Мультифильм.
10.15 "Бизнес-доктор". 3-кўрсатув. "Бозор".
10.45 "Мусикий лаҳзалар".
10.50 "Бир пиёла чоғи устуда".
11.10 "Федерал полиция". Телесериал.
11.55 Баҳодир Пирматов кўйлади.
12.10 "2000 йил - Соғлом авлод иили". "Азизим".
12.45 "Лаззат".
13.15 "Мардъи майдон".
13.35 "Мусикий лаҳзалар".
13.40 "Ешлар" телеканалида: "Спорт-2000".
14.30 "Кишлоқдаги тенгдошим".
14.50 "Цирк, цирк, цирк".
15.10 "Худуд". Хива шархи.
15.40 "Эркин фикр".
16.10 "Ешлар" телеканалида: "Спорт-2000".
17.00 "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьера. 24-кисм.
18.00 "Мусикий лаҳзалар".
18.05 "Ақи ёшмас".
18.20 "Олам футболи".
18.40 "Якшанбада кўришунча".
19.00 "Федерал полиция". Телесериал.
19.45 "Бу мунис лаҳзалар".
20.00 "Давр" ҳафта ичиди.

ҮЗТВ III

8.50 "Соғлом бўйл десанғиз".
9.00 "Тонгий пойтаг".
9.45 Болалонлар экрани. "Зорро". Мультсериял. 5-кисм.
10.05 "Билиб кўйган яхши" (так-рор).
10.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бакадам".
10.35 "Еввойи табиат".
11.25 "Дилором наволар".
12.05 "Кинони савасизми?".
12.35 Телегазета "Экспресс".
12.55-14.00 Кинонигоҳ. "Чангалзорлар кироли". 2-кисм.
17.25 Кўришлар дастuri.
17.30 "Табриклийиз, кутлаймиз".
18.30 "Пойтаг". Ҳафталик шарҳ.
18.50 "Дурдан".
19.10 Телегазета "Экспресс".
19.30 "Табриклийиз, кутлаймиз" (давоми).
21.00 ТТВда сериал: "Ит уяси". 1, 2-кисмлар.
21.50 Телегазета "Экспресс".
22.10 "Тассанно".
22.30 "Пойтаг". Ҳафталик шарҳ.
22.50 "Этирик има".
23.10 Кинонигоҳ. "Ажойиб ферма".
23.00 "Хайрли тун, шахрим!"

РЖТ

7.55, 10.00, 15.00, 18.00 - Янгиликлар.
8.10 "Россияга хизмат қиласман!".
8.40, 16.25, 16.50 - "Дисней-клуб".
9.10 "Тонг юзуду".
10.10 Дм. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган кайдлари".
10.30 "Хамма уйдалигида".
11.00 "Альбо". Олавий комедия.
11.30 "Сиҳат-саломатлик".
12.00 Кундузги киносеанс. Анна Каменкова "Сен берки..." фильмида.
13.50 "Саёҳатчilar клуби".
14.30 "Бир нодир асар тарихи".
Рус музейи.
15.10 "Тоглик". Саргузашт сериал.
16.00 "Оқипалар ва ақллилар".
17.20 Бу қандай бўлган эди? "Совет стелсининг сири. 1984 йил".
18.10 "Арапаш-курашаш" журналидаги куннов боекеарлар.
18.30 Евгений Петросяннинг "Кулгиги панорамаси".
19.05 "Миллий балик овенинг хусусиятлари". Комедия.
21.00 Сергей Доренконинг муаллиф дастuri.
22.15 Людмила Зикина "Сени севаман, Россиям!" дастuriда.
23.00 "Сайловлар-2000".

РДТ

8.00 "Ватанимга хизмат қиласман!".
8.25 "Отам, онам, мен - спортчилар оиласи".
9.20 "Бола тилидан".
9.50 "Хайрли тонг, юртим".
10.30 "Аншлаг" ва Ко.
11.30 "Шахарча".
12.00 "Рӯс лотоси".
12.40 Мультифильмлар.
13.00 "Бести".
13.20 "Парламент соати".
14.10 Янги "Эски квартира".
15.10 "Жониворлар ҳақида мулоқотлар".
16.10 "Минг ийлилк сирлари" Армен Жигарханян билан. Ҳужжатли сериал.
17.00 Ҳужжатли фильм.
19.00, 17.55 - Россия Давлат телевидениеси РФ Президентлигига сайловларнинг натижалари билан танишиди.
20.00 "Қўзғу".

ТВ-6

8.45, 13.40, 20.35 - "Йўл назорати".
9.00 "Шерлок Холмс саргузаштлашари". Сериал.
9.55 "Ле-го-го". Илья Легостаев билан.
10.30 "Star start".
11.05 "Амба-ТВ". Ҳажвий шоу.
11.35 "Жаноб Бин". Ҳажвий сериал.
12.10 "Беннин Хил шоуси".
13.10 "Канон".
14.00, 17.00, 22.00, 23.00, 04.05, 05.15 - "Сайлов-2000".
14.30 ТВ-6 кинотеатри. "12 ой".
1.2-сериялар.
17.35 "Сиз - шоҳидиз" И. Усачев билан.
18.35 "ОСР-студия".
19.35 "Хафта ҳалокатлари".
21.00 Премьера. "Профессионал-лигаси".

30-канал

9.05 "Мусикий тонг". Мусикийдам олиш дастuri.
9.30, 13.40, 18.00, 19.50, 00.50 - "Телемажкор", "Метеохабар".
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм. "Золушка учун ўғон".
11.30 Мусикий-дам олиш дастuri.
12.00 Тушки кино. "Нотр-Дамлии бури", Тарихи драма (Канада - АҚШ).
14.05 "Европа футболи". Спорт дастuri.
15.00 Олавий кино. "Сокчи".
Драма (АҚШ).
16.40 "Брейн-ринг". Интеллекту-

лар". Сериал.

17.30 "Жанговар санъат олами". Спорт дастuri.

18.30 "Висол". Мусикий дастuri.

19.00 "Тўрасис саёҳат".

19.15 "Латифани эшитдингизми?" Ҳажвий дастuri.

20.15 "Клип-совса".

21.30 "30-канал" да якшанба киношомми. "Жеймс Бонд - 007 агенти". Детектив комедия. (Буюк Британия).

23.00 "Кино, Кино, Кино".

24.00 Бедорлик. "Сиқвест". Фантастик сериал.

18.05 "Гавай нишони" телесериали.
22.15 Сиёсий концерт.

23.50 Прэмериа. ТВ-6 кинотеатри. Доналд Сазерленд "Кахрамонни яратиш" жангари фильмида.

03.10 "Сизбоз мусиқа: Вика Циганова".

04.15 "Кизил туғлика кундаклари". Эротик сериал.

18.05 "Гавай нишони" телесериали.

19.00 "Реноме".

21.00 "Малибу тунлари" телесериали.

21.00 "Симпсонлар" мультсериали.

18.05 "Каша нишони" телесериали.

23.00 "Катта сиёсат".

0.00 "Кўнгироқ қила туриб томоша қил".

2.15 "Жанозалар" драматик фильми.

4.15 Тунги мусиқий канал.

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 - "Бугун".

10.15, 21.55 - "Чироқлари синган кўччалар-II". Сериал.

11.10 "Омади". Телеўин.

12.15 "Байор форти қалиши".

13.00 "Тонг юзуду".

14.30 "Куткарув хизмати".

15.00 "Табиатшунос саёҳатлари".

15.30 "Этиёт бўл!". Олавий телевизион.

23.00 "Мен келажак учун овов беरаман".

11.50 Мультипарад.

13.00, 16.10, 19.00, 21.00 "Воқеалар".

13.50 Эртак фильм.

15.00 "Фернандернинг табассуми" Қисса кино.

15.25 "Гранни" дастuri.

16.15 "Актриса" бадий фильм.

18.25 "2000 йил миллий манфатлар".

19.10 Юмористик дастuri.

20.15 "Ҳақиқат ҳақиқаси".

21.25 "Елизизларга ётоқона берилади" бадий фильм.

18.05 "Гавай нишони" телесериали.

19.00 "Реноме".

20.00 "Малибу тунлари" телесериали.

21.00 "Симпсонлар" мультсериали.

21.30 "Махфий материаллар" сериал.

23.00 "Катта сиёсат".

0.00 "Кўнгироқ қила туриб томоша қил".

2.15 "Жанозалар" драматик фильми.

4.15 Тунги мусиқий канал.

ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканали.

11.00, 17.30 Мультифильмлар.

11.15 "45-йилнинг худди шу кунда".

11.30, 12.30, 14.25, 17.50, 19.40, 23.00 "Мен келажак учун овов беरаман".

16.00 Оксана Пушкининг "Аёл ниҳоҳи".

15.00 Мультипарад.

13.00, 16.10, 19.00, 21.00 "Воқеалар".

13.50 Эртак фильм.

15.00 "Фернандернинг табассуми" Қисса кино.

15.25 "Гранни" дастuri.

16.15 "Актриса" бадий фильм.

18.25 "2000 йил миллий манфатлар".

19.10 Юмористик дастuri.


20.15 "Ҳақиқат ҳақиқаси".

21.25 "Елизизларга ётоқона берилади" бадий фильм.

18.05 "Гавай нишони" телесериали.

19.00 "Реноме".

20.00 "Малибу тунлари" телес



Иккінші күннөң Мұбәрәкіл

Солиқ бандалардан бири ҳаж жағдайында адо этибди. Түшида аён берібдикі, аввалига ҳажга келгендегін амали қабул бўлмабди. Охри фалон шаҳарлик бир заргар ҳожининг шарофати билан барча ҳожислик дараражасига эришишибди. Бундан мутасибир бўлган ҳожи ўша заргарни излаб топиб:

— Эй биродар, сизнинг не бир қароматининг ёки амали солихингиз бор эдик, унинг шарофати ила тумонат ҳожининг ҳажжарини Оллоҳ қабул қилди, — дебди.

Маълум бўлишича, заргар ҳаж сафари харажатларига деб йигиб қўйган пулини савдоси касодга учраб ночор аҳволда қолган қўшинасига берган экан...

Оллоҳ таоло бир одам наслидан турли ирқу миллатларни бино қилганида, бир илму ҳикматини турли динларга бўлиб берганида қандай сир-асор бор экан? Бу Одам Ато авлодлари учун ўзига хос синов эмасмикан?

Худо бизнинг ирқий, миллий, диний маҳдудлигимизни енгид, асл инсоний, демакки илоҳий юксакликларга кўтарила олиши-олмаслигимизни синамаяптимикан?

Бу фоний дунёда Оллоҳ таоло ҳар биримизга турлича ризқ-рўз бершида, биримиз бою бошқамиз ночор ҳаёт кечиришишимизда қандай ҳикмат яширин экан? Ҳамма камбагални ношуд, дангасага чиқаруб, барча бойни ҳалол, меҳнаткаш деб ҳисоблаш тўғри бўлармикан? Бу дунёда омад-омадсизлик деган гаплар ҳам бор-ку. Нега баъзан бирорвага ўз-ўзидан омад кулиб боқаверадио, бошқа бирорвинг иши ҳадеданда юришавермайди, гоҳо

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с. а. в.)нинг марҳамат қилишларича, қўлидаги молу давлатидан камбагалларга, ночорларга, етим-есирларга, мискинларга ҳайру эҳсон қилган бойнинг мартабаси у дунёда баланд бўлар экан. Албатта, борига қаноат қилиб нағси ни жисловлаб олган камбагалнинг мартабаси ундан паст бўлмас.

Куръони Каримнинг қатор сураларида ҳам бева-бечораларга, етим-есирларга, мискинларга инфоқ-эҳсон қилишга даъват этувчи кўплаб ояллар нозил қилинган. Муборак ҳайит кунлари бу кўрсатмаларни эсладетганим бежиз эмас, албат-

бандасининг

қўлидан келмас экан. Буни шўролар тажрибаси

ҳам исботлади. Ўша тузумда ҳам аслида бою камбагал бор эди. Демакки, умид бойнинг инсоғу саҳоватидан, камбагалнинг сабру қаноатидан экан. Ўшандо жамиятда осойишталик, меҳру оқибат ҳукмрон бўлар экан.

Бадавлат юртдошларимизнинг айримлари ҳашаматли маҷитлар қуришига, маҷитларга қўша-қўша гиламлар ҳади қилишга шошилишади. Балки, булар ҳам керакдир. Лекин улар кўпроқ ночор қариндошларига, маҳалдошларига қайишсалар яхшироқ бўлармиди. Чунки пайғамбаримиз жаноблари ҳам маҷитларни oddий қилиб

қуриши лозимлигини уқтирганлар. У ерга кирган обид

жимжимадор безакларга, қим-

матбаҳо гиламларга маҳлиё бўлиши эмас, бу дунёдаги амалари учун охиратда жавоб бериши, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида ўйга чўмиши керак.

Ҳайру эҳсонни ҳам шундай қилиши керак эканки, ўнг қўлингиз берганини чап қўлингиз билмаслиги керак экан. Миннат, мақтаниш ҳар қандай ҳайру эҳсоннинг савобини ўйқа чиқарар экан. Ҳадисларда берган қўл ҳамиша олган қўлдан афзал деб марҳамат қилинади. Демак, саҳоват кўрсатган киши буни қабул қилгандан миннатдор бўлиши, унга раҳмат айтшиши лозим. Баъзи

биродарларимизнинг мўътабар ташкилотларнинг арзимас ҳайру эҳсонларини ҳам кўпчилликка кўз-кўз қилиши кишини ранжитади. Ахир, ҳеч бўлмагандага уни олган биродарларимизнинг хижолат чекишиларини ўйлашимиз керак-ку.

Қарз бериш садақадан ҳам афзал. Чунки қарз муҳтож бўлиб сўраб келган кишига берилар экан...

Ривоят қилишларича, бир бадавлат кишининг февлида қатор нуқсонлар бор экану, ягона фазилати — муҳтожларга берган қарзини кечиб кетаверар экан. Вақти қазоси етиб, савоб-гуноҳ ҳисоб-китобига келгандага, Оллоҳ таоло мен кечишида ундан-да карами кенгман, деб бадавлат кишининг барча гуноҳларини аффэтган экан.

Инжили Шарифда нозил этилишича, Оллоҳ таоло “Кимки очни тўйғазибди — мени тўйғазибди, беморни бориб кўрибди — мени келиб кўрибди, муҳтожга ёрдам берибди — менга ёрдам берибди” деб марҳамат қилган эканлар. Муҳаммад пайғамбаримизнинг ҳам шу мазмунда илоҳий ҳадислари бор. Адашмасам, Қозизода Румий ҳазратлари бир мўминнинг кўнглини вайрон қилишни Каъбатуллони бузишга мензаганлар. Навоий бобомиз бўлсалар бир мўмин дилини шод этишини вайронна Каъбани обод қилиши билан тенг-

лаштирганлар.

Азиз муштарий! “Нега ичкни шилар идоралари ходимлари учун мўлжалланган газетада сабову гуноҳ ҳақида бунча батафсил ёзишият?”

деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Асло тааҗжубланманг, авваламбор, нашримиз ҳалқимиз билан ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўртасида мулоқот воситаси ҳамдир. Қолаверса, охиратни унтишига ҳеч кимнинг ҳақиқи ўйқ. Зоро, охир-оқибат ҳамманинг ҳам борар манзили битта. Тўғри, биз қонун ва қонунбўзарлик мавзулари билан чекланиб

қолишмиз мумкин эди. Лекин бабзан жиндай моддий қийинчилликка чидай олмай ўғрилик, талончилик содир этаётган, турли оқимларга қўшилиб қолаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Топармон-тутармон юртдошларимиз уларга, уларнинг оиласаларига имкон қадар ёрдам қўлни чўзса, чўзганда ҳам миннат билан эмас, меҳру муҳаббат билан, шафқат билан чўзса, бундай жиноятлар бирмунча кама-ярмиди, одамлар ўртасида оқибат кучаярмиди.

Тўғри, пул сизники, биродар. Уни оловда ёқасизми, шамолга совурасизми ёки сувга оқизасизми — сизнинг ишининг. Лекин унумтайликки, бу дунё — синов дунёси. Балки, шу гапларни ёза олиши — ёза олмаслик мен учун ҳам бир синовдай гапдир.

Бобомурод ТОШЕВ.

ФАХРИЙМИЗ 100 ЁШДА



Алломалардан бири кексайиш ҳам буюк санъатидир деган экан. Тўрт мучаси соғ-омон, фарзандлари куршовида ширин кунларни ўшаб, қарилк гаштни сурмоқка не етсин. Биз, “Постда” таҳририяти азоларни истеъфодаги милиция ходимини яқинлашетган муборак айёми билан табриклиш максадида унинг уйидаги бўлдик.

Эшикни бир кекса чол очди. Мен ҳойнахой биз қидириб келган отахонимиз шу бўлса керак деб ўйлаган эдим. Муддаомизни ёшитиб, дада сизни сўраб келишибди деганидан кейин ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Ичкаридан янга кекса чол чиқди. Ота-бала бирга ўзган дўстлардада фарқланмай туришибди. Биз йўқлаб келган Сивлар Александр Маркович, юз ўшни қоралаётган бўлса ҳам, ҳали тетик, бакувват ва очиқўнгил киши экан. Синчковлик билан аҳамият берсангиз бир аср яшаган деб ҳаёлингизга келтирмайсиз.

— Александр Маркович ўзингиз ҳақда озигина гапириб берсангиз?

— Мен 1900 йилнинг 15 мартада Шимолий Кавказнинг ҳозирги Оржоникидзе шахрида оддий меҳнаткаш оиласида туғилдим. Оилада 5 та фарзанд эдик. Барча опа-укаларим Тошкентга кўчиб кетган эдилар. Аввалига мен турмуш ўрто-

гим билан яшаб турдим кейин у оламдан ўтгач, кўчуб келдим.

Иш фаолиятимни телефон усталигидан бошлаганман. 1943 йилдан ички шилар бўлимида оддий милиция ходими, участка вакили, сўнгра тергов бўлими ва паспорт тизимида бошлиқ ва зифасини ўтадим. 17 йиллик меҳнат фаолиятимдан сўнг, 60 ўшга кириб, нафақага чиқдим.

— Отахон бир аср яшаш сирини билсан бўладими?

— Аввалинч инсон кўнгли тоза, пок, самими, ростгўр бўлиши, спорт билан шугулланishi, овқатланища тартиб бўлиши керак. Шундагина узок умр кечира бўлади. Бир-бир хэлга чўмиб колганимда, катта фарзандим Анатолийга — қаричилик курсин десам, дада сиқила-верманг ҳали юз ўшга кирасиз дерди. Мана шу кунларга ҳам етдим. Олдимда невара, чевараларим билан яшапман. Менга шундай яшашнинг ўзи ҳам катта бахт.

— Сиз ҳозир невара, чевараларингиз тўғрисида гапирдингиз. Бу йилни Президентимиз Соғлом авлод йили деб эълон қилинади. Сизни ўш авлодимизга, ўш милиция поспонларига қандай тилакларингиз бор?

— Шуни айтиб ўтиш жоизки, сёғлигим бойлигим деб бежиз айтишмайди. Ҳар бир инсон соғ, бардам-бакувват бўлсагина бахтиёр бўлиши мумкин. Бизларнинг таянчимиз, сўянигимиз, ўсиб-улғайб келаётган келажагимиз бўлмиш, ўшларимиз тарбиясига ниҳоятда жиддий ётиб бормоғимиз зарур. Аминманки, ўш поспонларимиз бизнинг анъаналаримизни оғишмайди. Ватанимизни мустаҳкам кўрилдилар.

— Александр Маркович сиздайн олижаб киши билан учрашганимиздан жуда хурсанд бўлдик. Бир асрлик таваллуд айёмингиз билан бирга бутун Ички шилар вазирлигининг ходимлари, таҳририятимиз жамоаси номидан кутлаймиз. Сизга бардамлиг ва яна узок умр тилаймиз.

Жамшид ФОИПОВ.
Суратда: 100 ўшли отахон Александр Маркович чевараси билан.

Сураткаш А. САПАРМАТОВ.

Шу муносабат билан республика Ички шилар вазирлигига тантанали маросим бўлиб ўтди. Вазирлик Фаҳрийларни ижтимоий кўллаб-кувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори F. Раҳимов сўзга чиқиб, юбилиярни кутлуг ўш билан кизғин кутлади. Республика Ички шилар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан республика Ички шилар вазирининг мусовини, милиция генерал-майори B. Парпиев сўз олиб Александр Марковичга узок умр, мустаҳкам соглиқ тилади.

ҲАМКАСБИМ — ФАҲРИМ

Яйкунда бир газетада кекса олимнинг ўз ҳамкаси ҳақида ёзган мақолосини ўқиб қолдим. Кейин мен ҳам ҳамкасларимизнинг газетага ёзиз чиқарсан бўлармикин дессан хаёлга бордим. Албатта, мен ёзувчилар каби чироили сўзлар топиб ёзолмасман, лекин юрақдаги гапларни қофозга туширсан бўлади, деган ўй билан деб марҳамат қилинади. Олбатта, мен кечтаниш ҳар қандай ҳайру эҳсоннинг савобини ўйқа чиқарар экан. Ҳадисларда берган қўл ҳамиша олган қўлдан афзал деб марҳамат қилинади. Демак, саҳоват кўрсатган киши буни қабул қилгандан миннатдор бўлиши, унга раҳмат айтшиши лозим. Баъзи

касбим ҳалол, ишчан, масъулиятни чукур ҳис этадиган ходимларни сифатида намоён бўлди.

Гарчи биздаги ҳисоб-китоб ишлари бошқа идораларнидан танишмиз, аниқроғи қадрномиз. Тошкент халқ хўжалиги институтини бирга тутатдик. Мен ҳарбий хизматни ўтаб келганимда Ольга Ички шилар вазирлигига ишлаётган экан. Кейин мен ҳам вазирликнинг молиятиқтисод бошқармасига ишга кирдим. Орадан чорак аср ўтибди. Орта қолган йилларни хотирлаб, Ольга Алексеевнанинг хизматларини тақдизига қараша келади. Ана шундай дамларда Ольга Алексеевна масъулиятни ҳис этиб, вазифани тўла бажариб кейин уйига кетади.

Ольга Алексеевна пала-партиш ишларни ёқтирамайди. Бошқалардан ҳам ҳар ишни пухта бажарилишини талаб этади. Чунки ҳисоб-китоб ишларида бирорта раҳамотнотуғри кетса ёки ҳисобга кирмай қолса, бутун бир ҳисбботни қайтадан кўриб, ҳамма ишни текшириб чиқишига тўғри келади. Ольга Алексеевна масъулиятни ҳис этиб, вазифани тўла бажариб кейин тўғрилаб, изза бўладигандарни ёзди.

Шуҳрат ИСҲОҚҲУЖАЕВ,
ички хизмат полковниги.

Бу шахслар кўлларида шириц билан бирбирига укол қилаётганда кўлга олинди. Улардан иккитаси ўғрилиги учун муқаддам қамоқ жазосини ўтаб чиқсан шахслар экан.

Оллоёрнинг ҳушерлиги туфайли Олтинкўл кўчасида яшовчи T. M. вахҳобий оқимидағиларга ўйда дарс берәётган пайтада кўлга олинди. Ҳозирги кунда бу йигит қамоқ жазосини ўтаятири.

Оллоёр қамалада ўтган тадбирларда ҳамиша одамларга огох, эҳтиёткор бўлиш лозимлигини ўтириади.

Махалла ахли унинг хизматларидан жуда миннатдор. Ў

Бизга ёзадилар

ОПШИННИЗ ХАЛОЛМИ?

Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, олдинлари фақат киноларда кўриладиган хорижий меваларни харид қилишига оддий ўзбек оиласининг ҳам пули, ҳам қўли етадиган бўлди. Аナンас дейсизми, банаи, киви дейсизми – барчани бозорларимизда бор, Яратганига шукр. Нархлари озигина чаңса ҳам, лекин фарзандларимиз учун нимадандир иктиносид қилиб қурбимиз етганича сотиб олишга ҳаракат қиласми.

Бозордаги сотувчиларнинг ҳаммасини ҳам дехон деб бўлмайди-ку, лекин бола-чақа боқамиз, тўрт-беш танга топамиз деб саҳарлаб уйларидан чиқиб олди-сотди билан шуғулланётган тадбиркорларни биз ҳам тушунамиз. Бундай олди-сотди билан шуғулланётганлар асосан вилюятлардан келган бўлишиди.

Айримлар ултуржи бозордан мева сотиб олиб, кейин метро бекатларида, "Отчопар" бозорига кираверишдами сотиб тириклини қиласми. Ишлари енгил кўчими учун ёнларида қўл тарозилари билан юришади. Ишдан уйга шошаёттанишгизда йўнингизда тайёр, бозордан нисбатан арzon туолган меваларга учақласиз. Шошаёттанишгиздан тарозининг тўри ёки нотўрилигини текшириб ҳам кўрмайсиз. Фақат уйга келиб бир оз ҳордик чиқаргандан кейингина олган нарсангиз чамасидан камлагини сезасиз. Агар олган 4 кг мевангиздан 200–300 г кам чиқса аҳамият ҳам бермайсиз, бу биз учун кўнишиб кетилган нарса, агар 4 кг ўнинг 2 кг 300

А. ИСОКОВА.

МОДАРКУШ

(Бир жиноят изидан)

...Ривоят қилишларича, бир подшо ўтган экан. Подшо ниҳоятда ақли, доно киши экан. Кунларнинг бирида подшонинг хотини оламдан ўтиди. Лекин подшо кўп аза чекмабди. Бутун сарой аҳли бундан ҳайрон қолиди. Орадан йиллар ўтиди. Подшонинг севикии фарзанди оғир жангларнинг бирида ҳалок бўлиди. Яна подшо жисм.

Кўп ўтмай подшонинг жудаям кекса онаси омонатини топширибди. Подшо бу айрилиқдан шундай ўкириб ўтилабди. Ҳатто тоглардаги тошлар ҳам силкенинг кетибди. Бундан ҳайратга тушган вазирлар подшонинг кўнглини кўтаришибди. Афсус, подшо кўп вақтгача ўзига келмабди. Шунда подшонинг энг яқин дўсти:

– Хотинингиз ўди – оҳ чекмадингиз, ўклинигиз вафот этди – қайтумадингиз, онангиз ҳаётдан кўз юмганди, бунчалик фиғон чекишингизнинг боиси не? – деб сўрабди.

Подшо:

– Эй дўстим, – дебди оҳиста. – Худо умр берса яна уйланаарман. Белим бақувват бўлса фарзандлик ҳам бўлман. Лекин узоқ сафарга кетганимда менга оқ ўйл тилаб, кечалари мижжак қоқмай мени кутган онажонимни қайдан топаман?...

Мўмин (исми ўзгартириб берилаёт) ёшлигидан дандагаса, эрка бўлиб ўди. Ақлини танинганда ҳам яхши билан ёмоннинг фарқига бормади. Иккى марта қамалиб чиқди. Аммо, бирор яхши холосага келмади. Аксинча, спиртли ичимликка кўнгил қўйди. Топ-

ганини ароқча сарфлади. Пул топомаса онасининг нафака пулига кўз олайтиради, қандай бўлмасин пул ўтиради. Мехнатдан бўйин товлаш, текин пул топиш Мўминнинг фикри-зикрига айланди.

Ўша куни ҳаво бироз совук эди. Мўмин бироз кайф билан

Чирчик шахри. Биз – вилоят ИИБ ДАНБ тарғибот ходимлари овоз кучайтиргич орқали ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бўйича иш олиб бораюмиз. Кимдир кетаётган йўлидан тўхтаб маърузамизга кулок тутса, яна кимдир бепарво ўтиб кетмоқда.


– Анави отахон бизни чакираятиларми? – деди ҳамасбим йўлнинг нариги бетида кўп силкитайётган чолни кўрсатиб.

– Тинчликми, отахон? – деб сўрайман қария ёнига ўтиб.

– Овора қилдим-а? Қаригандан кейин худо кўздан ҳам, кулодан ҳам олиб кўяр эканда? Уғлим, сени чакирганим, кечамиди ё ундан олдинги кунмиди, ишклиб неварапаримга майда-чўйда олиш учун кўчага чиқкан эдим. Атрофга қарасам, ҳаммаёқа байрамдагидек шиорлар осиб ташланган. Бир кишини тўхтабиб, Наврӯз байрамига ҳали эрта, нима муносабат билан булар осилган, деб сўрадим. Ҳалиги киши елка сиқиб, билма-

10 март – 10 апрель:
“Озодалик ва
қўкаламзорлаштириш” ойлиги

**БУ БОГИ ҚАЧОН
ОБОД ҚИЛМИЗИ?**



уйга келганда онажониси уни кутиб ўтиради. Ўғлини кўриб онанинг кўнгли тинчланди.

Мўминнинг яна ичкиси келди. Чўнтағидан вино чиқардию, газак учун егулик топа олмади. Онасига:

– Закускага бирор нарса беринг, – деб ўшиклиди.

Ўглини дагдаларидан юраги безиб қолган онаизор:

– Болам, уйда закуска қилгани нарса ҳам йўқ-да, – деди титраб.

– Кўшиналардан бўлса ҳам олиб чиқинг! – бўйруқ қилди ўғил.

Кеч бўлса ҳам она кўшиналарнинг кириб, тузланган қарам олиб чиқди.

Мўмин виносини ичиб олгач, шерга айланди. Яна ароқ ёки вино ичкиси келди. Чўнтағини пайпаслаб кўрди, аммо кўлларига ҳеч нарса илинмади. У яна онасига ўшиклиди:

– Пенсиянгиздан бўлса ҳам беринг, виноми, ароқми олиб келаман.

– Болам, кеч бўлди. Яхшиси дам олгин, – деди она бечора ўғлига насиҳат қолиб.

Мўминнинг кўзига ичкиликдан бошқа нарса кўринмас эди. Онасининг ялиниб-ёлворишилари кор килмади.

– Менга пул топиб беринг, – деде онанасиша ташланди.

Ўша куни ҳаво бироз совук эди. Мўмин бироз кайф билан

харакатланиш қоидаларига риоя этмасликнинг хунук оқибатлари тўғрисида тушунтирилади. Қисқа қилиб айтганда бу тадбир мана шу йўлларда бўлиши мумкин бўлган баҳтсиз ходисаларнинг олдини олиш мақсадида ўтказила-ти.

– Тинчлик, отахон, тинчлик. Бу чакириклар осилишига сабаб, ҳозирги кунда бутун республикамизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

– У нима деганинг?

– Март ойи давомида республикамизнинг ҳамма жойида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқлади. Барча йўллар аҳволи қайта кўриб чиқлади. Агар бирор бир камчиллик аниқланса, уни жойида бартараф этиш чоралари кўрилади. Одамлар орасида йўлларда

борар экан, ортидан кузатиб қувондим. Яхши ҳамки, орамизда шундай кишилар бор. Лекин қарияни ранжитган, кўча-кўйда, маҳаллада, корхона ёки ташкилотларда ва умуми республикамиз ҳаётида бўлаётган ишларга эътиборсиз кишиларнинг оз бўлса-да, борлиги ачинарли ҳол. Уларнинг юртимиз ютук ва муаммоларига бефарқлиги ташвишланарлидир. Бугунги кунда республикамиз миқёсида "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги" ўтётган бир вақтда бу тадбирга юзаки қарамасдан барча бирдек фаол қатнашмоғи лозим. Зоро, бунинг натижасида нафақат ҳаракатланиш хавфсизлиги, балки юртимиз тинчлиги ва осойишалиги ҳам таъминланади.

**Исроилхўжа
САЙДКАРИМОВ,
милиция
катта лейтенанти.**

Терговчи ён дафтаридан

"НЕВАРАМНИНГ ЎРНИГА МЕНИ ҚАМАНГ"

Оқ олтин туманинда 11-йўрта мактабда ўтказилган тафтиши чоғида салкам 54 минг сўмлик камомад аниқланган. Ҳўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Е. Черкасова бу пулларни ўзим ўзлаштириб юбордим деб, тиҳнат берган. Шуинши тергов қилиши менга топширилди. Аёл ҳар қандай савонни четлаб ўтиб, зарур бўлиб қолганди, атайлаб сарфлаб юбордим дейишдан нарига ўтмасди. Лекин унинг алдоётгани билиниб турарди. Чунки, кўришидан давлат мулкига кўз олайтирадиганлардан эмасди. Мактаб маъмуряти, маҳалла ва қишлоқ фаоллари билан сұхбатлашганимда, ҳеч бир киши у ҳақида салбий фикр айтмади, апикроғи камомад қиладиган аёл эмас, дейишди.

Кейин мен унинг оиласи билан қизиқдим. Мадлум бўлишича бир невараси Наувиш шахрида яшаркан. Илгари судланган Александр Малахов тайин бир жойда ишламайдиган ўтилган экан. Ичкиликни яхши кўрадиган бу бекорчини суршиштирганимда, яқин ойларда компъ-

**Аҳат АЗИМОВ,
туман ИИБ катта
терговчиси, милиция майори.**

ГУЛНОЗАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шахар вояғига етмаганларни қабул килиш ва тақсимлаш-транзит мусассаси томонидан вояғига етмаган Гулноза Файратовна Самигованинг ота-онаси, яқин қариндошлари кидирилмоқда.

У 2000 йилнинг 26 январь куни мусассасага милиция ходимлари томонидан олиб келинган.

Г. Самигова 1991 йилда туғилган, аниқ яшаш жойини айтиб олмайди, сўзи бўйича Андикон вилоятидан.

Белгилари: бўй 120-125 см, кўзлари кўшиш, қошлари қорамтири сийрак, сочлари қорамтири, тили чучук.

Кийимлари: эгнида тўқ ўшил куртка, қизил-кора рангли жемпер, кора мактаб формаси, кора фартуки, оқ майка, оқ колготки, обигда ҳаво ранг пайлоқ, қизил этик бор.

Гулноза Самигованинг ота-онаси, қариндошлари Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шахар вояғига етмаганларни қабул килиш ва тақсимлаш-транзит мусассасига мурожаат этишлари мумкин.

СОФИДЖИ

Ҳар тун ёстиқка бош қўйганимда, кўз олдимда ўлемнинг беғубор сиймоси гавдаланади. Ҳаёлан у билан гаплашиб, кўпинча тонг оқара бошлагандага уйқуга кетаман. Назаримда у тирикдек, ҳали замон эшик очишиб кириб келадигандек... нигоҳимни эшикдан узмайман.

Мана, жудоликка роппа-роса бир йил бўлибдики, ҳамон шундай. Эрта тонгда туни билан оғир меҳнат қилган одамдай ҳоргин, кўзларимда ёш билан уйғонаман.

Дунёда энг муқаддас нарса – ХОТИРА. Бу ўксик қалбимга таскин бўлармикин, деб қўйимга қалам олиб, хотиралдан кўтарила бошлаган ўлем билан боғлиқ воқеаларни қоғозга туширишга жазм қилдим.

ЁЛФИЗИМ, ҚЎНГИРОҒИНГНИ КУТАЯПМАН

Ўғлим билим юртида ўқиб юрган кезларida ҳам, ундан кейин Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасида ишлаган чоғида ҳам менинг ижодимни синчковлик билан кузатиб бораради. Газета ёки журналда бирон бир нарсам – ҳикоями, мақола, суд очерки ёки хабарми чоп этилса, дарров хабар топиб ўқиб чиқар, бъазида кулгимни қистатиб фикрларшиб ҳам қўярди. Вилоятда хизмат қилаётганда ҳар жума куни – газета дунёга келиши билан ўғлим ёзган материалимни ўқиб, албатта қўнгироқ қиласарди. Мен бундан жудам руҳланиб кетар, вақтим зиқ булишига қарамай газетанинг келгуси сонига янги нарса тайёрлашга ҳаракат қиласардим. Буни ўғлимга билдирамасдим. Нимагадир кейинги пайтда газетада бирон бир материалим босилса, атайлаб ҳеч қаёқда чиқмай ўғлимнинг қўнгиригани кутадиган одат чиқардим. Ўғлим бирон бир туман ёки шаҳарга хизмат билан кетган бўлса, ўша ердан ҳам албатта қўнгироқ қиласарди. Бундан кўнглим тоғдай кўтарилади.

26 марта куни газетада менинг имзоим билан иккита материал босилди. Бири – ўғлим таҳсил кўрган билим даргоҳидан репортаж эди. Иккинчиси хикоя. Ўғлим уларни албатта ўқиб чиқиб сим қоқади деган умид билан кутиб ўтиридим. Бироқ вақт пешиндан оқсан бўлса-да, унинг қўнгиригидан дарак йўқ эди. Бунақаси сира бўлмаганди, хавотирга туша бошладим. “Нега ўғлим қўнгироқ қиласадийкин? Узокроқ жойга хизмат сафарига кетиб қолдимикин?”

Кечга томон менга эмас, бош муҳарриримиз Зокир акага қўнгироқ қилишибди... У хонамга кириб келганида ранги оқариб кетган, ундан юрак оғриғи безовта қилганда ичиладиган волокардин дорисининг ҳиди анқиб

кўрган, ҳамма билан ақауадек бўлиб кетган эди. Билим юртининг ҳар бир ўқув хоналари, спорт заллари, багри кенг муаллимлари менга ҳам қадрдан бўлиб қолганди.

Эшикдан кириб бориши билан таниш чехралар – ўқитувчи, курсантлар қаршимга пешвоз чиқиб, байрам билан кўтлай байрамона безатилган, қозонларда сумалак қайнатётган эди. Мен ёнимдан фотоаппаратни олиб, байрам қатнашчиларини суратга тушира бошладим. Бироқ фотоаппарат биринки “чиқиллагач” тасма юрмай қолди. У ёнини, бу ёнини бураб кўрдим, бироқ ҳеч нарса қиломадим.

Шу орада билим юртининг фотосуратчиси келиб қолди. Фотоаппаратимни унга кўрсатиб, маслаҳат сураган бўлдим.

– Плёнкаси борми ишқилиб? – деди у ҳазиломуз. – Дада, мени кечиринг. Жуда зарур бўлгани учун сўрамай олгандим... Истасангиз, плёнка олиб келиб бераман.

– Зарур бўлиб қолгани учун олгандим, – деди ўғлим ҳазин овозда деди:

– Да, мени кечиринг. Жуда зарур бўлгани учун сўрамай олгандим... Истасангиз, плёнка олиб келиб бераман.

– Шунда ўғлим: – Да, плёнка қаерда? – деб сўради.

Мен нодон ўғлимдан аламимни олиш мақсадиди:

– Уни ташлаб юбордим, – деб жавоб берибман жаҳл устида. Бироқ хонадан чиқиб кетишга аллақандай куч тўсқинлик қилгандай орқамга қайтдим. Шунда ўғлим ёстиқдан бошини даст кўтариб, ўзимга тикилиб қараб, илтимос қилди:

– Да, сиз бу плёнкани ташлаб юборманг, уни саклан!

Мен унинг ҳам ҳазин, ҳам илтижоли сўзларига эътибор бермай, ишга отландим. Эртаси куни ўғлим фожиали ҳалок бўлди...

Кейинроқ – ўғлимнинг маросимларини ўтказиб бўлгач, фототасмадаги суратларни қоғозга чиқардим. Қай кўз билан кўрайки, уларнинг ҳаммасида ўғлим акс этган эди. Суратларга қайта боқаман. Рӯпарамда гўё умри ёш ҳазон бўлган ўғлимнинг жонли қиёфаси тургандай эди. Унинг боқишидан “да, энди билгандирсиз, фотоаппаратни нега бесўроқ ҳеч нарсага тегмасди. Унга ишонардим. Шунга қарамай ўғлимдан бу ҳақда сўраб қўришини кўнглимга тугиб қўйдим. Бироқ у шу куни навбатчилик қилиб, уйга келмади. Эртаси куни эса ишдан жуда кеч қайтди. Одатига кўра, ваннага сув тўлдириб чўмиди. Кейин телевизорни кўйиб, аллақалгача қандайдир фильмни томо-

ша қилди. Мен негадир ботиниб ундан ҳеч нарса сўролмадим. Фақат эрталабгина уни уйғотиб сўз қотдим:

– Ўғлим, ишга кеч қоласан, тур.

У бўлса, бошини ёстиқдан кўтариб:

– Кеча навбатчилик қилгандим, бугун кечроқ бораман, – деди. Шунда унга қараб:

– Ўғлим, фотоаппаратни нега олдинг? Ахир сенда бирор нарсани сўрамай оладиган одат йўқ эди-ку?!

– дедим.

Ўғлим уйқусизликдан киртаган кўзларини ишқалаб, гуноҳкор одамдай паст, майин овозда деди:

– Да, мени кечиринг. Жуда зарур бўлгани учун сўрамай олгандим... Истасангиз, плёнка олиб келиб бераман.

– Ўғлим, гап плёнкада эмас, у топиладиган нарса...

– Зарур бўлиб қолгани учун олгандим, – деди ўғлим ҳазин овозда.

– Бошқа унда қилма, – деб хонадан чиқиб кета бошладим.

Шунда ўғлим:

– Да, плёнка қаерда? – деб сўради.

Мен нодон ўғлимдан аламимни олиш мақсадиди:

– Уни ташлаб юбордим, – деб жавоб берибман жаҳл устида. Бироқ хонадан чиқиб кетишга аллақандай куч тўсқинлик қилгандай орқамга қайтдим. Шунда ўғлим ёстиқдан бошини даст кўтариб, ўзимга тикилиб қараб, илтимос қилди:

– Да, сиз бу плёнкани ташлаб юборманг, уни саклан!

Мен унинг ҳам ҳазин, ҳам илтижоли сўзларига эътибор бермай, ишга отландим. Эртаси куни ўғлим фожиали ҳалок бўлди...

Кейинроқ – ўғлимнинг маросимларини ўтказиб бўлгач, фототасмадаги суратларни қоғозга чиқардим. Қай кўз билан кўрайки, уларнинг ҳаммасида ўғлим акс этган эди. Суратларга қайта боқаман. Рӯпарамда гўё умри ёш ҳазон бўлган ўғлимнинг жонли қиёфаси тургандай эди. Унинг боқишидан “да, энди билгандирсиз, фотоаппаратни нега бесўроқ ҳеч нарсага тегмасди. Унга ишонардим. Шунга қарамай ўғлимдан бу ҳақда сўраб қўришини кўнглимга тугиб қўйдим. Бироқ у шу куни навбатчилик қилиб, уйга келмади. Эртаси куни эса ишдан жуда кеч қайтди. Одатига кўра, ваннага сув тўлдириб чўмиди. Кейин телевизорни кўйиб, аллақалгача қандайдир фильмни томо-

САФАРДАГИ УЧРАШУВ

Хизмат юзасидан жазони ижро этиш муассасасига бордим. Муассаса бошлигининг қабул кунни экан. Қабулхонада навбат кутиб ўтирганларнинг ўзқўзларига боқаман: улар

Ўтганлар ҳақиға тиловат қилинг!

Бошлиқ аёлни юпатиб, уйига кетишга кўндириди.

Аёл кўзига ёш олиб, иложисиз ташқарига қарардорди.

– Ака, мана шу аёлни машинангизда шаҳар марказигача олиб кетинг. Бизда автобуслар соат саккизгача қатнайди, – деди бошлиқ.

Мен рози бўлдим. Аёл қимтиниб орқа ўриндиқа ўтириди. Йўлда у “пик-пик” йиғлаб, ўғли бир жанжалга аралашиб қолганини, оқибатда бир йигит нобуд бўлганини айтиб берди. Гап орасида “Ўғлим ўлдираганига ишонмайман, болам пашшага ҳам озор бермайдиган йигит” деб тақрорлаб қўярди. Мен аёлни тинчлантиришга ҳарчанд уринсанда, у баттар ўкириб йигларди. Машинани тўхтатишига мажбур бўлдим. Бутун кучимни тўплаб сўрадим:

– Опажон, ўғлингизга “канча бериши?”

– Саккиз йил. Икки йили ўтди, олти йили қолди...

– Опажон, йиллар оқар сувдек тез ўтиб кетади, Ҳадемай у озодликка чиқади, яна иссиқ бағринизга қайтади. Бор-йўғи олти йил экан-ку! Мен эса ўғлимнинг дийдорини яна бир марта кўриш учун бир умр кутишига рози эдим. Эшитяпсизми, бир умр бўлса ҳам кутардим ўғлимни кўришага!!!

Газни қаттироқ босдим шекилли, машина силкиниб қўзғалди. Аёл бирдан йиғлашдан тўхтаб, бир дам жим қолди. Кейин ўсмоқчилаб сўради:

– Ука, кечирасиз, ўғлингиз... неча ёшда эди?

– Йигирма иккита...

– Ўғлим билан тенгқур бўлган экан, худо раҳмат қиласин, илойим! Сизга худойим сабр берсин.

Шаҳар марказида нотаниш опахон машинадан тушар экан, бошини эгиб, миннатдорчилик билдириди.

– Ишқилиб бошқаларга умр берсин. Сизга худо ёр бўлсин, укажон!

Нур таратиб турган симёғочлар ортда қолди, машина зулмат оғушига шўнгиди. Кенг асфальт йўлда машиналар сийраклашиб қолган, онда-сонда битта-яримтаси чироқларини ёқиб ўтиб қоларди. Шунда бошлиқ сўради:

– Да, опажон, ҳалиям кетмадингизми?

– Уқажон, ўғлимни қамоқдан чиқишига ёрдам бермасангиз, шу ердан кетмайман.

– Боя ҳам тушунтиргандим: бунақа нарса қўлимиздан келмайди, опажон. Суд ҳукмидан норози бўлсангиз, юқори ташкилотларга мурожаат этинг. Биз ижочимиз, холос.

Мурод ТИЛЛАЕВ.



Футбол

ВАТАН ЎГЛОНЛАРИ БЕЛЛАШМОҚДАЛАР

14 март куни Ўзбекистон Республикаси ИИВга қарашли “Жар” спорт-соғлолаштириш марказида Наврӯз байрамига бағишиланган Ўзбекистон Республикаси хукуқни муҳофаза қилиш органлари ва идораларининг төрмаси жамоалари ўтасида “Ватан ўглонлари” кубоги учун футбол турнири тантанали равишда очилди.

Очилиш маросимида ИИВ номидан Ички ишлар вазири ўринбосари ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов иштирик этди ва сўзга чиқди. Тантанада, шунингдек, тегишили органларнинг раҳбар вакиллари ҳамда республика Давлат спорт кўмитаси раиси Б. Махситов иштирик этдилар.

Турнир давомида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат чегараларини муҳофаза қилиш кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги (“А” гурухи), шунингдек, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона кўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (“Б” гурухи) төрмаси жамоалари ўзаро беллашадилар. Финал учрашуви 21 март куни “Жар” ССМда бўлиб ўтади.

Дастлабки тур натижалари эса қўйидагича:

Мудофаа вазирлиги — Миллий хавфсизлик хизмати — 2:1;

Бош прокуратура — Давлат чегараларини муҳофаза қилиш кўмитаси — 2:1;

Ички ишлар вазирлиги — Давлат солиқ кўмитаси — 5:0;

Давлат божхона кўмитаси — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги — 4:2.

Ўз мухбиримиз.

ҚАДРЛИ ЎҚУВЧИЛАР, ТУРФА БОШҚОТИРМАЛАР ИШҚИБОЗЛАРИ!

Сизга мамнуният или шуни маълум этамизи, куни кечада “Заковат” кроссвордлар газетасининг янги сони босилиб чиқди. Аввалгисдан фарқли равишда “Заковат”нинг янги сони 8 саҳифадан иборатdir.

“Заковат”нинг алоҳида таъкидлашга лойик, газетачилар тили билан айтганда “міх” материалы “Мард майдонда синалади” деб номланган улкан ҳажми суперкроссворд бўлиб, уни тўғри ҳал этган билағон ҳамюртимиз ажойиб тұхфани кўлга кирилади. Танлов шартларини ва совғанинг нималигини газетани ўқигач билиб оласиз.

“Дараҳтлар орасида бир дарахт бордир, баргини ташламайдир, у мусулмонга ўхшайдир. Айтинг-чи, бу қандай дараҳтдир?” Пайғамбаримиз жаноби С. А. В.нинг ўз қавмларига берган ушбу саволига жавоб “Замон ва мақон муштараклиги” сарлавҳали американча кроссвордни бехато ечганингиздан кейин маълум бўлади.

Катакларига сўз ўрнига рақамлар ёзиладиган “Калькулятор”

“Заковат” таҳририяти.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАНБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Навоий вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи милиция подполковниги А. Шакаровга онаси

Мусаллам ая ШАКАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ЖООБ бўйим бошлиғи милиция полковниги Шавкат Умаровга волидай муҳтарамаси

ХАВВА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор килалилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўстонлиқ тумани ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлап бўйича ўринбосари Қаҳрамон Эрназаровга падари бузруквори

СОТТИВОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва ИИБ ДАНБ шахсий таркиби ДАНБ бошлиғи милиция подполковниги А. Шакаровга волидан муҳтарамаси

МУСАЛЛАМ аянинг


вафот этганлиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги Наил Сулеймановга волидан муҳтарамаси

Миниямал СУЛЕЙМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

«БАҲОР» БОШҚОТИРМАСИ



Азиз муштари! Маънолари куйида тавсифлаб берилган сўзларни топиб, уларни камалаксимон шаклнинг ўн сакизта бўлакларига рақамли хоналардан бошлаб марказ томонга қаратা ёзиб чиқинг.

1. Кутлуг айём, шодлик, ҳурсандчилек. 2. Мустақиллик, ҳуррият. 3. Санъат тури. 4. Одам юзидаги мамнунлик, ҳурсандлик аломати. 5. Буюк ўзбек астрономи, математики, давлат арабби. 6. Ашула, кўшиқ айтувчи санъаткор. 7. Амирӣ таҳаллуси билан ғазаллар биттан шоир (Қўқон хони). 8. Мамлакатимиздаги вилоятлардан бирининг маркази. 9. “Новдаларни безаб ғунчлар, Тонгда айтди ҳаёт отини, Ва ? кургур илк саҳар, Олиб кетди гулнинг тотини” (Ҳамид Олимжон). 10. Машхур ўзбек шоираси, мътифатпарвар. 11. Қишлоқ хўжалиги машинаси. 12. Сариқ магиз буғоди унидан тайёрланган, чакич билан юзиға тул солиб ёпилган йирик нон. 13. “Қайга

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энгига: 1. Нон. 2. Ойбек. 6. Чўт. 8. Онт. 9. Ола. 10. Лок. 12. Авлод. 15. Дон. 19. Буйвол. 20. Тропик. 23. Товаршунослик. 28. Қаламча. 30. Анжир. 34. Сароб. 37. Ярмарка. 39. Трансформатор. 43. Мукова. 46. Саллоҳ. 48. Арк. 50. Гамма. 53. Эга. 55. Үра. 56. Сор. 57. Зал. 58. Патир. 59. Кул.

Бўйига: 1. Нил. 2. Нон. 3. Ота. 4. Бол. 5. Код. 6. Чад. 7. Тўн. 11. Оҳу. 13. Вал. 14. Оят. 16. Обл. 17. Авра. 18. Кекс. 19. Бет. 21. Кўк. 22. Кураш. 24. Оба. 25. Ромб. 26. Она. 27. Или. 28. Қавс. 29. Литр. 31. Жабр. 32. Рота. 33. Ином. 35. Акр. 36. Бас. 37. Япон. 38. Кио. 39. Тим. 40. Неон. 41. “Алла”. 42. Рух. 44. Умр. 45. Ака. 46. Сўм. 47. Онг. 48. Аёз. 49. Кўл. 50. Гап. 51. Мот. 52. Аср. 53. Эрк. 54. “Аёл”.

Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚЎЙ (21 марта – 20 апреля).

Ҳафтанинг бошида саломатлигингизни яхшилашга ёзтибор берилган. Охирги саҳифадаги энг янги, сара латифалар, Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олган гаройиботлар завқингизга завқ кўшишига ишончимиз комил.

“Заковат” газетасини газета дўйонларидан ва якка тартиба фаолият юритувчи газета тарқатувчилардан харид килишингиз мумкин.

“Заковат” Сиз учун, азиз ўтдишлар!

“Заковат” таҳририяти.

ТАРОЗИ (24 сентября – 23 октября).

Сизнинг ташаббускорлигингиз тақдимати шаклнинг кўнгиллигизни яхшилашга ёзтибор беради. Ҳафтанинг охирда севган кишингиз билан муносабатларингизни яхшилаш олиши маслаҳат берамиз.

СИГИР (21 апреля – 21 мая). Сешанба

куни мураккаб ишни ҳал ўтдишда дўстларингизни яқиндан кўмаклашишади. Соғарлар, транспортда йўл юришлар чоршанба ва шанба кунлари ўз мевасини беради. Жума куни танишингиз мухим масала бўйича сим қоқиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22 мая – 21 июня). Ушбу

ҳафтада касбингиз билан боғлиқ барча масалаларни шахсий ҳаётингизда юзага келадиган “ширин” муаммолар туфайли кейинга қолдиришингизга тўғри келади. Зоро, юратигингизда ўйғонган мұхаббат туйгулари вужудингизни қамраб олади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июня – 23 июля).

Эски қадропнинг билан дўстона муносабат ва оиласи тутувлик кайфиятингизни кўтариб юборади. Ҳафтанинг иккичи ярмида иш жойингизда ҳам ишго кўмилосиз.

АРСЛОН (24 июля – 23 августа).

Сизнинг тиқорот соҳасидоги мұваффакиятингиз кимларидир ҳасадини келтиради. Чоршанба – пайшанба кунлари ўзингиз ҳақингизда кўнгилсиз гаплар эшишингиз эҳтимолдан холи эмас. Якин кориндошингиз жума ва яхшанба кунлари мавзанан кўллаб-қувватлайди.

БОШОҚ (24 августа – 23 сентября).

Хужжатларни расмийлаштиришда илгари йўл кўйган хотонингизни тўғрилашга душанбадан пайшанбагача вақт ажратиганинг маъқул. Ажойиб инсон билан жума куни танишув кайфиятингизга ижоби таъсир кўрсатади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабря – 20 января).

Мазкур ҳафтада ўзингиз ижобий фазилатларингиз кўпчилик эътиборини ўзига жалб этади. Чоршанба ва жума кунлари дўстона муносабатларингиздан фойдаланиш ва касбингиз билан боғлиқ мұммона ҳал ўтшига мұваффак бўласиз. Пайшанба куни ҳам ўннингизга пул тушади.

ЁЙ (23 ноября – 21 декабря).

Ушбу ҳафта сизнинг ижобий фазилатларингиз эътиборини ўзига жалб этади. Чоршанба ва жума кунлари дўстона муносабатларингиздан фойдаланиш ва касбингиз билан боғлиқ мұммона ҳал ўтшига мұваффак бўласиз. Пайшанба куни ҳам ўннингизга пул тушади.

ТАРЗИ (24 декабря – 22 января).

Мазкур ҳафтада ўзингиз ва отроғингиздаги одамларни ранжитмасликни маслаҳат берамиз. Мұхими, жума – шанба кунлари “учлар суди”ни бошқармасликка ҳарокат килинг. Акс ҳолда барча айб сизнинг бўйнингизга тушиб қолиши мумкин.

КОВФА (21 январь – 19 февраля).

Сиз ниҳоят қойси йўналиш бўйлаб ҳарокат килишини белгилаб оласиз. Энди режа бўйича иш ўртишини маслаҳат берамиз. Эътиборли дўстингиз йўлдан адашмаслигингизга кўмаклашади.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 марта).

Теварак-отроғингиздаги одамлар сизнинг мавқеиниздан тез-тез фойдаланишади. Сешанба ва жума кунлари фойда келтиримайдиган амалий таклифи рад этанингиз маъқул. Яхшанба куни табиат бағрида ёки янги танишларингизнида хордик чиқарсангиз танангизга куч-кувват кўшилади.

O'zbekiston
RESPUBLIKASI IV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma
kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Muharrir

Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir
o'rinosi v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinosi — 139-77-23.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi 139-73-88
peyjer (088) 55-54

Elektron pochta
postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamiz
O'zbekiston Respublikasi<br